



## МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ОАВЛАРНИНГ РОЛИ

Умурзақов Ахмаджон Махаматович

Фарғона политехника институти

“Ўзбекисон тарихи ва ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6590876>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада миллий ғояни тарғиб қилишда ОАВни рўли қай даражада эканлиги, жамият ҳаётида тутган ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, миллий ғоя тарғиботи жараёнида матбуотнинг аҳоли онги ва тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ОАВ, газета-журнал, ғоя, мафкура, фикр эркинлиги, жамият, инсон, маданият, эркинлик, медиа.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье освещается роль средств массовой информации в продвижении национальной идеи и ее роль в жизни общества. Также было отмечено, что пресса играет важную роль в формировании сознания и мышления населения в процессе пропаганды национальных идей.

**Ключевые слова:** СМИ, газеты и журналы, идеи, идеология, свобода мысли, общество, народ, культура, свобода, СМИ.

**ANNOTATION:** This article highlights the role of the media in promoting the national idea and its role in the life of society. It was also noted that the press plays an important role in shaping the consciousness and thinking of the population in the process of promoting national ideas.

**Key words:** mass media, newspapers and magazines, ideas, ideology, freedom of thought, society, people, culture, freedom, mass media.

Маълумки, миллий ғояни шакллантириш ва тарғиб қилиш ҳамда унинг асосида истиқлол мафкурасини қарор топтириб, юртдошларимиз онгига сингдиришда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадимизни ҳар бир юртдошимизнинг онгида, маънавий оламида чуқур қарор топтиришда миллий матбуотимиз ҳам салмоқли вазифаларни бажариб келмоқда. Аҳолининг, айниқса,



ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганида оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни ва таъсири тобора кўзга яққол ташланмоқда.

Юртимиз мустақилликни қўлга киритгач, бир қатор янги матбуот нашрлари пайдо бўлди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони қарийб уч баробарга ошиб, бугунги кунда уларнинг деярли олтиш фоизи нодавлат секторда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу рақам замирида, авваламбор, ҳукуматимизнинг соҳа ривож учун кўрсатаётган ғамхўрлиги, ОАВ ходимларининг изланиши, ташаббускорлик меҳнати ётибди. Улар илгари ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура исканжасидан қутилиб, ҳаётимизнинг турли жабҳаларини кенг ва холисона ёрита бошладилар. Натижада бугунги кунда жамият ҳаётининг ҳеч бир соҳасини ОАВларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг “эркин ва мустақил ОАВ ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор”, деган фикрлари тўлиқ ўз тасдиғини топмоқда.

Айни пайтда уларнинг миллий ғоя тарғиботидаги ўрни ва ролини ўрганиш ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мустақиллик туфайли газета саҳифалари, радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларида мамлакатимизнинг қадимий тарихи, узоқ ўтмиши, бой маданияти, шўролар тизими даврида таъқиқлаб қўйилган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, миллий қадриятларини изчил ёритиб боришга кенг ўрин берилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда сўз эркинлиги, ҳурфикрлилик, миллий манфаатларга ва миллий равнаққа кенг йўл очилганидан далолат беради.

Айниқса, ҳар биримиз учун муқаддас ҳисобланган ислом динининг бой маънавий имкониятларидан фойдаланишга кенг имкон яратилганлиги ОАВлар фаолиятидаги катта ютуқ бўлди, дейиш мумкин.. Ахлоқий баркамоллик, руҳий покланиш ва янгиланиш тамойилларига таянган ҳолда жамиятимизнинг маърифатли дунё томон юз тута бошлаганлиги халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим маънавий омил вазифасини ўтай бошлади. Истиқлол туфайли эркин фикрлаш, ҳар кимнинг ўз фикрини ошкора баён қилиш ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ва ҳурматини жойига



қўйиш эшикларини очди. Демократик эркинлик шароитида вақтли матбуот турлари ва сонлари кўпайиб, бир неча мустақил сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари ташкил қилинди.

Мустақил нашрлар эса ўз муассислари ғоялари ва дастурлари йўналишлари доирасида мустақил иш олиб борадилар. Ислоҳотлар ва янгиланишларга ўз муносабатлари, муаммоларга ўзларининг ёндашиш усуллари бор.

Шунга қарамасдан алоҳида таъкилаш лозимки, ягона мақсад - истиқлол тақдири, мамлакат келажаги ва халқ истиқболи уларни бирлаштириб туради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ОАВ фаолиятида кўзга ташлана бошлаган ўзига хослик газета ва журналлар, радио эшиттириш ҳамда телекўрсатувларда бевосита мамлакатимиз мустақиллигини улуғловчи, унинг тарихий аҳамиятини тарғиб этадиган, истиқболга эришиш учун истиқлол йўлидан боришнинг зарурлигига бағишланган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларга оид бўлган мавзуларга кенг ўрин берилганлигидир.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон ОАВ эндиликда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни, янгиликларни, ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан бевосита, тўғридан-тўғри қабул қилиб олиш имкониятларига эга бўлганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Ўз навбатида республикамиз ҳақидаги муҳим янгилик ва ахборотлар ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ахборот агентликлари вакиллари ва мухбирлари томонидан ўша мамлакатлар ахборот воситалари учун бевосита етказиб берилмоқда. Ахборот алмашинуви, дунё воқеаларидан хабардорлик, ёки аксинча, дунё саҳнасига чиқиш мустақил Ўзбекистон учун ўзини намоён қилиш имкониятини вужудга келтирди. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига янада жадалроқ кириб бориши ва ўзига муносиб ўрнини топиб олиши муайян маънода ОАВларнинг фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

Бугунги кунда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ОАВ зиммасига бутунлай янги ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Миллий ғоя тарғиботи жараёнида матбуотнинг аҳоли онги ва тафаккурини шакллантиришда



таъсирчан қурол бўлишини, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Бироқ айтиш дамда бу вазифани ОАВ тўлақонли равишда адо эта олмаётганлигини ҳам таъкидламаслик мумкин эмас. Бу тўғрида мамлакатимиз раҳбари ҳам эътироз билдириб ўтганидек, "Очиғини айтганда бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий давлат нашрларининг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқда". Телевидение орқали баъзи ҳолларда "оммавий маданият" маҳсулотларини тарғиб қилиш талабларига кўпроқ мос келадиган ғарб киноларининг намойиш қилинаётганлиги, уларнинг яққол таъсири натижасида яратилаётган мусиқали клипларнинг урчиб бораётганлиги, миллий киномиз маҳсулотларида ҳам ғарбона ҳаётга хос унсурлар бўлган бачкана кийиниш, соч турмаклаш, ярашмаган тақинчоқлар осиб юриш, ғайри-табиий ҳатти-ҳаракатлар содир этиш кабилардан иборат кадрлар миллий маданиятимиз савияси ва равнақи учун хизмат қилишидан кўра кўпроқ уни сийқалаштириш учун хизмат қилиши мумкинлигини бугун жуда жиддий равишда ўйлаб кўриш зарур. Санъатимиз ва маданиятимизнинг бундай "жонкуярлари"га қарата "кампири кўрганда аммам дема" қабилидаги ўғитларни ўргатиб қўйиш вақти аллақачон етган. Зеро, ОАВ жуда катта аудитория билан мулоқот қиладиган муҳим минбардир.

ОАВ глобаллашиб бораётган ахборот макони билан бизни боғловчи кўприқдир. Ана шу маънода бугунги кунда кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган муаммолардан яна бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, қарашлар, фикрлар тўқнашуви, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги ахборотлар, миллий ахборот маконимизга, миллий қадриятларимизга ва баркамол авлодни вояга етказишдан иборат муддаоларимизга мутлақо зид ахборотларнинг кириб келишидир. Ҳар қандай сўз ва ахборотнинг маъно ва мазмунида эса мафкура, тарбия, ахлоқ элементлари мавжудлиги

барчамизни сергакликка чорлаши лозим. Чунки турли ахборотлар оқими маконида улғаяётган бугунги ёшларимизни халқимиз менталитетига ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсиридан авайлаб асраш миллий ғоя тарғиботи жараёнида ОАВ олдида турган ўта муҳим вазифалардандир.

### Адабиётлар рўйхати

1. Эргашев У. А., Уринбаева М. С., Умурзаков А. М. Рынок и нравственность //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 10 (143). – С. 115-116.
2. Эргашев У. А., Уринбаева М. С., Умурзаков А. М. Глобализация и её альтернативы //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 171-173.
3. Азимов У. А., Умурзаков А. М., Абдурахмонов Г. З. Духовное мировоззрение и его влияние на национальные ценности //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 19-3 (73). – С. 62-64.
4. Azimov U., Umurzakov A. GLOBAL PROBLEMS AND GENERAL VALUES. – 2020.
5. Jergashev U. A., Urinbaeva M. S., Umurzakov A. M. Rynok i npravstvennost //Problemy sovremennoj nauki i obrazovaniya. – 2019. – №. 10 (143).
6. Ergashev U. A., Umurzakov A. M. THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL ISSUES ON HUMAN LIFE //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 26-29.
7. Умурзаков А. М. Влияние различных факторов на процесс обучения студентов //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 176-178.
8. Ergashev U. A., Urinbaeva M. S., Umurzakov A. M. Market and morality.
9. Ergashev U. A., Umurzakov A. M. Problems of the impact of environmental problems on human life //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 22-25.
10. Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
11. Azimov U., Umurzakov A. HIERARCHY OF VALUES AND PERSONAL VALUES //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – С. 354-355.



12. Умурзақов А. М. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1563-1567.
13. Хошимов С. С. ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚИРРАЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2020. – №. 3. – С. 771-776.
14. Khoshimov S. S. THOUGHTS ABOUT HUMAN NATURE IN CHINESE PHILOSOPHICAL THINKING AND THEIR INTERPRETATION IN THE IDEAS OF WANG YAN MIN //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 173-177.
15. Олтмишева Н. Г., Эргашев У. А. Нравственное сознание и поведение молодежи в современных условиях //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 11-1 (144). – С. 112-114.
16. Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39.
17. Ergashev U., Khakimov A. Environmental problems in the works of eastern thinkers //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 30-32.
18. Эргашев У. А. ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1765-1768.
19. Ergashev U. A., Juraeva N. N. Qualities revered by Amir Temur //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 40-42.
20. Эргашев У. РОЛЬ СОЦИАЛЬНОГО СЛОЯ СОБСТВЕННИКОВ В ФОРМИРОВАНИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Збірник наукових праць Л'ОГОС. – 2021.
21. Ergashev U. A., Hakimov A. M. MYSTICISM-SPIRITUCL-MORAL UPBRINGING //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-1. – С. 133-136.
22. Ergashev U. A., Hakimov A. M., Usmonova M. A. THE PHENOMENON OF JUSTICE IN YOUTH EDUCATION AND ITS CHARACTERISTICS //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-1. – С. 130-132.



23. Хакимов А. М., Эргашев У. А., Холмирзаева Ж. Х. Выборы Узбекистана – прозрачные выборы. – 2020.
24. Тўхтаров И., Эргашев У., Умурзақов А. МАФКУРАВЙЙ ОМИЛЛАР ВА ЁШЛАР ТАФАККУРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 94-100.
25. Xoshimov Sanjarbek Sultonbekovich. (2022). GLOBALLASHUV JARAYONIDA SIYOSIY MADANIYATNING O'ZIGA XOSLIGI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6483612>
26. Tuhtarov I. et al. Kant's pedagogy and contemporaneity //Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. – 2021. – Т. 32. – №. 2. – С. 1633-1636.
27. Adhamovich E. U. Development of Philosophical Views in Central Asia //Kresna Social Science and Humanities Research. – 2022. – Т. 3. – С. 189-192.
28. Эргашев У. А. РОЛЬ УЧИТЕЛЕЙ-НАСТАВНИКОВ В ОСМЫСЛЕННОМ ПРОВЕДЕНИИ ДОСУГА СТУДЕНТОВ //ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ. – 2021. – С. 150-153.
29. Қосимов К. И., Эргашев У. А. CHARACTERISTICS OF EASTERN DEMOCRACY AND CIVIL SOCIETY IN UZBEKISTAN //Экономика и социум. – 2021. – №. 3-2. – С. 76-79.
30. Jergashev U. A., Urinbaeva M. S., Umurzakov A. M. Rynok i npravstvennost //Problemy sovremennoj nauki i obrazovaniya. – 2019. – №. 10 (143).
31. Умурзақов А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
32. Azimov U., Umurzakov A. HIERARCHY OF VALUES AND PERSONAL VALUES //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – С. 354-355.
33. Умурзақов А. М. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1563-1567.
34. Хошимов С. С. ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚИРРАЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2020. – №. 3. – С. 771-776.



35. Khoshimov S. S. THOUGHTS ABOUT HUMAN NATURE IN CHINESE PHILOSOPHICAL THINKING AND THEIR INTERPRETATION IN THE IDEAS OF WANG YAN MIN //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – T. 2. – №. 1. – C. 173-177.
36. Ergashev Ulug'bek Adxamovich. (2022). "OMMAVIY MADANIYAT" NING MILLIY QADRIYATLARIMIZGA TA'SIRI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6483621>
37. Umurzaqov Axmadjon Mahamadovich. (2022). GLOBALLASHUV DAVRDA FAN VA TA'LIMNING DOLZARB MASALALARI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6483608>
38. Xoshimov Sanjarbek Sultonbekovich. (2022). GLOBALLASHUV JARAYONIDA SIYOSIY MADANIYATNING O'ZIGA XOSLIGI. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6483612>